ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

Т.Т.Мансурова, ***ЧДПУ катта укитувчиси***

Аннотация: Ҳар бир тил луғавий қатламининг семантик-стилистик имкониятлари, ундаги лексик-семантик бирликларнинг грамматик, семантик-стилистик парадигмалари, бу парадигмалар мазмун сатҳи когнитив тилшуносликнинг ўрганиш объектлари ҳисобланади.

Калит сузлар: Сўз маъносининг асоси онгдаги тушунчалар, воқеликдаги ҳодисалар, сўз орқали борлиқнинг турли томонлари, кишилик жамияти, инсоннинг турмуш тажрибалари акс эттирилади.

Annotation: semantic-stylistic possibilities of each linguistic vocabulary layer, grammatical, semantic-stylistic paradigms of lexical-semantic units in it, these paradigms content level are objects of study of cognitive linguistics.

Key words : The word is based on the concepts of consciousness, events in reality, various aspects of the word, the society of the individual, the experience of human life.

Маълумки, тилда доимий ривожланиш, бойиш ва янгиланиш жараёнлари амал қилади. Бу янгиланишлар натижасида барча тилларда, уларнинг турли сатҳларида мавжуд адабий нормалардан четга чиқиш кузатилади ёки нормаларда ўзгаришлар пайдо бўлади. XX асрнинг 60 йилларида О.С.Ахманова, Ю.А.Белчикова, В.В.Веселицский сингари тилшунос олимлар ташаббуси билан тўғри нутқ ва тил меъёрларини ўрганувчи махсус лингвистик соҳанинг шакллантирилганлиги ҳам меъёрлаштириш муаммоси билан боғлиқ. Ушбу олимларнинг фикрича, “нутқни меъёрлаштириш тилшунослик нинг фонология, морфология, синтаксис, грамматика, лексикология, лингвостилистика каби бўлимларида



тегишли тадқиқотларни амалга оширишни тақаззо этади”[1].

Ҳар бир тил луғавий қатламининг семантик-стилистик имкониятлари, ундаги лексик-семантик бирликларнинг грамматик, семантик-стилистик парадигмалари, бу парадигмалар мазмун сатҳи когнитив тилшуносликнинг ўрганиш объектлари ҳисобланади. Лисоний фаолият когнитив фаолият билан бевосита боғлиқ, унинг ажралмас бир қисми. Аммо когнитив тилшунослик, когнитология бошқа соҳалардан фарқли ҳолда, инсон томонидан тил тизимини ҳаракатга келтирувчи омилларни ўзлаштирилиши ва улардан фойдаланиш қоидаларини қай йўсинда тартибга солиш масалаласи билан ҳам шуғулланади. Когнитив тилшунос лисоний ҳодисаларнинг тафаккур фаолиятидаги ўрни, бажарадиган вазифалари билан қизиқади. Лекин бу қизиқиш оддий эмас. Когнитивист лисоний ва тафаккур фаолиятлари муносабатларини, уларни юзага келтирувчи сабабларини қидиради ва бу сабаблар оқибати бўлган мулоқот матнлари - лисоний тузилмаларни таркибан ва мазмунан англашга, таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Демак, когнитив тилшунослик асосан инсон лисоний фаолиятини сабаб ва оқибат боғлиқлигида тадқиқ этувчи, “тушунтирувчи” фан соҳасидир[2]. Бундай тадқиқ икки йўналишда бажарилади: а) нутқий фаолият ижроси ва унинг маҳсулининг пайдо бўлиши; б) ушбу фаолият маҳсулотларининг идрок этилиши[3]. Тилнинг грамматик имкониятлари беқиёс экан, бу ҳол тил луғавий қатламининг лексик-семантик тараққиётини таъминлайди. Кўп йиллар мобайнида грамматик сатҳда олимлар сўз туркумларини муттасил ўрганиб келаётган бўлсалар-да, ҳали бу соҳанинг ўзига хос очилмаган қирралари пайдо бўлмоқда.

Лексеманинг семантик сатҳи унинг барча грамматик имкониятлари

[1] Ахманова О.С.,Ю.А.Белчикова Ю.А.,Веселицский В.В. К вопросу о “правильности” речи // Вопросы языкования. –М.: Наука, 1960. -№2. С. 35-42.

[2]ДемьянковВ.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретующего подхода//Вопросы языкознания, 1994. № 4. – С.17-33.

[3]Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 75.



билан мустаҳкам боғланган, сўзда грамматик маъно қирраларини ўрганиш лингвопоэтика, умуман тилшунослик тараққиётининг муҳим аспектларидан ҳисобланади.

Сўзнинг категориал маъноси ҳар доим ҳам унинг лексик маъноси билан боғланавермайди. Сўз грамматик қурилишнинг базаси; у тилнинг луғат қатламида ҳам, грамматик қурилишида ҳам энг зарур асосий бирликдир. Сўзлар якка ҳолда предмет, ҳодиса, белги кабиларни билдиради (улар ҳақидаги тушунчани ифодалайди), уларни атайди (бу тилнинг номинатив функцияси), лекин фикр баён қилишда у гап таркибида бўлади: сўз гап таркибида, нутқда тилнинг фикр баён қилиш воситалари тизимидаги ўз дискурсив вазифасини бажаради, шу билан бирга маъносининг янги қирралари ҳам шаклланади, яъни полисемантик сўзларнинг маъно парадигмалари дисскурсив шароитда шаклланади[4]. Тил номинатив ва коммуникатив функциялардан ташқари экспрессив вазифани ҳам бажаради. Сўзнинг бундай вазифаси ҳам маълум қонуниятлар доирасида амалга ошади.

Сўз маъносининг асоси онгдаги тушунчалар, воқеликдаги ҳодисалар, сўз орқали борлиқнинг турли томонлари, кишилик жамияти, инсоннинг турмуш тажрибалари акс эттирилади.

Сўз туркумлари ўзининг грамматик категориялари орқали характерланади. Отлар сон ва келишик категориясига эга, феъллар эса замон, нисбат, майл ва бошқа категориялари билан тусланади. Сифатлар эса таққослаш категориясига эгадир. Шу сабабли ҳам турли маълум сўз туркумларига тегишли бўлган лексемаларнинг нафақат лексик, балки грамматик категориал маъно парадигмалари ҳам турличадир. Масалан,инглиз тилида феъл парадигмалари узунроқ:*wpите, wpитес, wpоте, шалл wpите, wилл wpите, ам wpитинг, ис wpитинг, wас wpитинг, wепе wpитинг, ҳаве беен wpитинг*ва ҳ.к.От парадигмалари эса бироз қисқароқ: *sister, sister's, sisters, sisters'*. Сифатники эса ундан ҳам қисқа: *cold, colder,*

[4]Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент:“Фан” нашриёти, 1975. –Б. 16.



coldest.Равишнинг парадигмаси эса янада қисқа: *alwайс*.

Сўзнинг семантик таркиби шаклланишида маъно ва шаклнинг мутаносиблик парадигмалари бу ҳодиса тилнинг фонетик, лексик-семантик ва грамматик ҳодисалар билан мустаҳкам алоқадорлиги кўрсатади. Сўзнинг семантик структураси сўз ифодалайдиган маъноларнинг йиғиндисидир. Сўзнинг фонетик структураси сўзнинг типик товуш таркибидан иборат. Сўзнинг товуш таркиби табиий, унинг грамматик табиатини ҳам ташкил қилади. Айниқса, бу ҳол инглиз тили нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим, чунки инглиз тилининг консерватив компонентлари қатор сўзларнинг товуш таркибини эски, архаик шаклда сақлашга эришган. Айнан шу ҳол сўзларнинг ёзилиши ва ўқилиши орасидаги фарқларни келтириб чиқарган.

Сўзнинг морфологик структурасининг ҳар бири маълум бир тилнинг ўз ичида ҳам фарқланади. Уларнинг бир тил доирасида, бир тилнинг ўз ичидаги фарқи, тил тараққиётининг турли даврларига кўра ҳам лексик-стилистик жиҳатдан фарқланишини ҳам таъминлаган. Сўз туркумларининг бирикиш имкониятлари ҳақида гап борганда аввалambор, лексик-грамматик маъно кўзда тутилиши керак. Шу йўналишда бирикиш, сўзлар лексик-грамматик гуруҳининг асоси бўлиб, маълум гуруҳдаги сўзларнинг лексик-грамматик парадигмаларини ташкил қилади ҳамда дискурсив шароитда ўша сўзлар билан аниқ бир қисмлар (бирикмалар) ташкил қилади. Инглиз тилидаги **To (from, at) school** бирикмасибунга ёрқин мисол бўла олади.

Юқорида қайд этилганидек, сўз туркумлари гапдаги вазифаларига кўра ҳам характерланади. От асосан, эга ёки тўлдирувчи вазифасида, феъл кесим вазифасида, сифат аниқловчи вазифасида қўлланади. Сўзнинг грамматик, лексик-семантик маънолари уларнинг гапдаги синтактик вазифаларини ҳам таъминлайди. Гапнинг эгаси фақат от билан эмас, балки олмош, сон, герундий, инфинитив ва бошқалар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бошқа томондан эса, от гапнинг ҳар қандай қисми вазифасини тўлдириб кела олади. Бироқ, предлоглар, боғловчилар, юкламалар одатда ҳар қандай гап



қисми вазифасини тўлдира олади.

Фойдаланган адабиетлар :

1. Ахманова О.С.,Ю.А.Белчикова Ю.А.,Веселицский В.В. К вопросу о “правильности” речи // Вопросы языкования. –М.: Наука, 1960. -№2. С. 35-42.
2. ДемьянковВ.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретующего подхода//Вопросы языкознания, 1994. № 4. – С.17-33.
3. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 75.
4. Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент:“Фан” нашриёти, 1975. –Б. 16.
5. Крутиков Ю.А. Сборник тематических текстов для изучающих разговорную речь. Английский язык, Академия наук СССР, Кафедра иностранных языков ; [сост.: Е. Ф. Дмитриева и др. ; отв. ред. Е. Ф. Дмитриева], - Москва : Изд-во АН СССР , 1962 .- 287, [1] с
6. Sweet, H.. "Words, logic and grammar", Transactions of the Philological Society.References here are to its reprint in Bolton & Crystal (edd) (1969), 8-29).
7. Есперсон О. The philosophy grammar bu Otto Jerspersen. Перевод с английского В. В. ПАССЕКА и С. П. САФРОНОВОЙ Под редакцией и с предисловием проф. Б. А. ИЛЬИША.- М. 1958. 329 с.

